

ЯНГИБОЗОР ТУМАНИ ҲОКИМИ
Қ А Р О Р И

2019 йил 26. декабрь

№ 6364

Янгибозор тумани

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида

“Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрьдаги 965-сонли қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 10-бандига “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6,25-моддаларига, асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Янгибозор туманида 2020 йил учун ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш мақсадида, иш ўринларини банд қиладиган корхона, ташкилотлар ва муассасалар рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Корхона ва ташкилотлар ҳамда муассасаларда ходимларнинг рўйхати бўйича ўртача сонидан келиб чиққан ҳолда 61 кишини ташкил этадиган 100 фоиз миқдорида, шу жумладан;

ўн тўрт ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар 21,5 фоиз (13 киши);

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари 70,5 фоиз (43 киши);

сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатишган шахслар учун 1,6 фоиз (1 киши);

ногиронлар учун 1,6 фоиз (1 киши);

пенсия олди ёшидаги шахслар учун 1,6 фоиз (1 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун 1,6 фоиз (1 киши);

одам савдоси қурбонлари учун 1,6 фоиз (1 киши);

3. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2019 йил якунланишидан 10 кун олдин квота иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун 2020 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир квота тоифаси бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусхаларини Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

4. Корхона ва ташкилотлар ҳамда муассасаларда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилинган касб ва лавозимлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласинлар.

6. Муҳтожлар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича туман ҳокимининг ушбу қарори бажарилмаганда, шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асосиз равишда рад этилганлиги учун ташкилотларнинг мансабдор шахсларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик белгиланади.

7. Ушбу қарорда белгилаб қўйилган тоифаларга мансуб шахсларни ортиғи билан қабул қилган корхона, ташкилот ва муассасаларга Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган (31.05.2019 й. № 3163) 2019 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида”ги 19-2019-Б-сонли буйруғига асосан субсидия ажратилишини таъминласин.

8. Низом талабига асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини туман ҳокими томонидан белгиланган миқдоридан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу ўринларни ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисmini Марказ билан тузилган шартнома асосида Аҳоли бандлигига кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

9. Марказ директори (Г.Сапарова) беш кун муддатда мазкур қарорни тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига етказсин ҳамда унинг бажарилиши устидан қатъий назоратни таъминласин.

10. Ушбу қарор 2020 йил 1 январдан кучга кириши муносабати билан туман ҳокимининг 2018 йил 29 сентябдаги 2884-сонли қарори 2020 йил 1 январдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ушбу қарор туман ҳокимлигининг расмий нашри бўлган “Янгибозор кўзгуси” газетасида эълон қилинсин. Туман ҳокимлиги ҳуқуқшуноси (А.Каримов): мазкур қарорни туман ҳокимлигининг yangibozorhokimiyat.uz расмий веб-сайтига жойлаштиради;

12. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари Ж.Халметов зиммасига юклатилсин.

Янгибозор туман ҳокими



Handwritten signature of U. Masharipov

Ў.Машарипов